

ПОКИЗА ҚАЛБИ БОР УЛАРНИНГ...



Бирининг қўлида китоб, бирининг қўлида дафтар, бошқаси ўйинчоқ тутганича, фарзандларим телевизор қаршида тизилишиб кино кўриб ўтирарди. Уларни бунчалик телеэкранга миҳланиб қолганлигига қизиқиб, қарадим. Бир ақли ожиз бола мактаб деразасидан таълим олаётган болаларга ҳавасда мўралаб турарди. Учовлон томошабинни тергагим келмай, уй ишларига шўнғидим. Ора-сира экранга ҳам назар солиб англаганим шу бўлдики, картина бошидаги ақли заиф бола кейинроқ соғлом ҳаётга қайтди. Бунга бир инсоннинг «Ақли заиф бўлса ҳам, кўнгли тоза экан», дея тўрт мучаси соғ қизини унга узатиши ва бу қиз отасининг қароридан нолимай, турмуш ўртоғини бор меҳр-муҳаббати билан ардоқлаши, атрофдагиларнинг самимий муносабати сабаб бўлди.

Орамизда бу кино дегувчилар ҳам йўқ эмас, аммо...

АШРАБ АХТАРГАН САМИМИЯТ

Маҳалламизда Ашраб деган ақли ожиз йигит бўларди. Бир сафар бувим Ашраб соғлом бола бўлган, қайсидир хатоси туфайли отасининг жазо сифатида кечаси ертўлага камаб қўйиши оқибатида шу ҳолга тушиб қолган, деганди. Маҳалладаги каттаю кичик уни «Ашраб жинни» дея масхараларди. Бувим эса уни худди ўз набирасидек сийларди. У бизникига кунда бир келиб кетарди. Энг қизиғи, бувим эшикдан Ашрабнинг қораси кўринди, дегунча, қозонда қайнаб турган овқатнинг ёғли жойидан унга сузарди. Агар тандирда нон ёпаётган бўлса, ширмойнинг энг чиройлисини


қўллари куймасин, дея сочикчага ўраб берарди. Мева-чева, ширинликларнинг сарасидан унга илиниб олиб қўяр, келганида, ҳовлидаги супага чақириб, тагига меҳмон кўрпача соларди. Бундан бироз ғаши келган янгаларим «Ойи у бир жинни бўлса, бир нарсанинг фарқига борса ҳам майли эди», дейишса ранжирди.

Ашраб Тошкентда ўқийдиган тоғам автобусдан тушди, дегунча, «Билим бо, билим бо», дея икки қўлини кўтарганича югуриб келиб бувимдан суюнчи сўрарди. «Билим бо» эса «Билими бор, билимли келяпти», дегани эди. Бувим оламдан ўтганда, Ашраб уч кун

қабр устида йиғлаб ўтирган, уни базўр қабристондан олиб чиқишган. Кейинчалик у бувимнинг меҳрли сўзларию набираларидек авайлашлари, самимий сийловларини соғиниб, эшигимиз олдида узоқ ўтирадиган одат чиқарган. Аммо Ашраб ахтарган самимият бувим билан бирга кетганди...



АҚЛИ ЗАИФ БОЛАНИ КАМСИТГАН «ЗЎРАВОНЛАР» КИМ?



Ижтимоий тармоқларда вояга етмаган ақли заиф болани тиз чўктириб камситган, уриб-тепган икки нафар ўсмир иштирокидаги «томоша» видеоси кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Хўш, тафсилотлар қандай эди?

Воқеа 2020 йил 25 март куни соат 15:00лар чамасида пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек

шаҳарчаси ҳудудида жойлашган 219-мактабгача таълим муассасаси олдида юз беради. Зўравон йигитчалар карантин қоидаларига риоя қилмаган ҳолда, ҳимоя никобисиз жамоат жойида бўлгани етмаганидек, вояга етмаган ақли заиф А. Шевчукни тиз чўктириб, ўзларига «сифинишга» мажбур қилади ва уриб-тепишади. Камига, бундай аянчли манзарани уяли телефонда тасвирга олишиб, ижтимоий тармоқда тарқатиб юборишади.

Жабрланувчининг яқинлари воқеадан анча кейин, лавҳа ижтимоий тармоқларда тарқалганидан сўнг хабар топади ва дарҳол ички ишлар органига муурожаат қилади...

Судда ҳуқуқбузарларнинг ота-оналари фарзандларининг қилмишидан изза бўлиб, кечирим сўраб, енгиллик берилишини илтимос қилишган. Мирзо Улуғбек тумани маъмурий судининг қарорига кўра, ҳар икки ҳуқуқбузар базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баробари миқдорида маъмурий жаримага тортилган.

ҲАММАСИ МОҲИЯТГА БОҒЛИҚ

Тил ва дил бирлиги, самимият, меҳр-оқибат, раҳм-шафқат ҳақида гап кетганда, орамизда ақлан заифларни кўрганда, "нари тур" дея ижирганиб кўядиганлар ҳам борлигини айтишимиз керак. Болаларнинг кўча-кўйда ақли заиф инсонга нисбатан "жинними?.." дейиши ҳам бир мавзу аслида. Чунки болаларнинг уларни ўраб турган олам ва одам ҳақидаги тасаввурлари қанчалик ижобий маънода бойиши катталарнинг қўлида. Мисол учун, "Қоч, ана жинни келяпти" дея тумтарақай қочиб кетадиган болалардан бир сўраб кўринг. Аллақайсисининг онасими, отасими, опасими, хуллас, катталардан бири ақли заиф, дейиш ўрнига, "бу жинни", деган бўлиб чиқади. Демак, ҳамма айб катталарда, яъни, боланинг беғубор қалбини асраш ўрнига, вазиятнинг нотўғри талқин қилинишида.



ҚАЛБИ ЧИРОЙЛИГА АТАЛГАН СОВҒА

Яқинда ақли заиф фарзанди бор аёл билан тасодифан суҳбатдош бўлиб қолдим. Унинг айтишича, соғлом ўғли чақалоқлигида беланчакдан тушиб кетиши оқибатида ақли ноқис бўлиб қолган. Ҳозир шу бола ўн уч ёшда, махсус мактабда таълим олар экан. Аёлнинг ҳар бир сўзида изтироб бор эди.

– Кўпқаватли уйда яшаймиз, ўғлим синглиси, укаси, тенгдошлари қатори ҳовлида ўйнагиси келади. Бирровга кўчага чиқса, ҳамма болалар "Бахти жинни" дея масхара қилишади, болалар-ку, бола, майли, дейман. Аммо кап-катта кўшни аёллар ҳам бошқача назар ташлаётганини кўрганимда, эзилиб кетаман. Ташқарига чиқмаслиги учун кўпинча эшикни кулфлаб қўяман. Ёки ўзим билан олиб чиқаман.

Яқинда бирга бозорга бордик. Ўғлим атир-упа дўконига мени мажбурлаб етаклаб кирди ва қимматбаҳо атирни сотиб оламиз, деб туриб олди. Аввалига менга, деб ўйлаб, яқинда атир олдим, керакмас, дедим. У қўлларини қоши устига қўйиб, чиройлига бу, деганда, балким, атир кўшни кизга бўлса керак, деган тахминда харид қилдим.

Ўғлим уйга келгач, совғасини кўлидан қўймай, дераза олдида унинг эгасини илҳақ кута бошлади. Мен ҳам боламнинг кўнглини забт этган, унинг алоҳида хурмати, эъзозига лойиқ инсон кимлигини сабрсизлик билан кутдим. Ниҳоят, учинчи куни кечки пайт ўғлим олдимга югуриб келди. Чиройли келяпти, юр, атирни берамиз, дея им-



лаб тушунтирди. Мен уни етаклаб ҳовлига чиқдим. Бахтиёр эгизакларини боғчадан олиб қайтаётган шундоқ рўпарамиздаги кўпқаватли уйда яшайдиган кўшни келиннинг олдида бориб тўхтади ва атирни унга узатди. Шу онда бу аёл самимияти билан фарзандимнинг қалбини забт этганини тушундим.



Мутахассисларнинг фикрига кўра, ривожланишида нуқсон бор, ақли заиф инсонлар совуққонлик, камситиш билан боққан кўзлардан ҳам ўзларига бўлган муносабатни англаб, шунга муносиб жавоб қайтаришаркан. Уларнинг руҳий ҳолатини самимий муносабат ва соғлом муҳит ижобий томонга ўзгартир-

ХУЛОСА ЎРНИДА

са, безътиборлик, камситиш акс таъсир кўрсатаркан. Келинг, уларнинг ўзлари хоҳламаган камчиликлари, бор имконлари билан қабул қилиб, покиза қалбларини авайлайлик. Инсоний бурчимиз, эзгу амаллар билан юқоридаги сингари «дийдаси қаттиқ қахрамон» ларга кўзгу тутаюлик. Токи, улар ўзларининг хурмача қилиқлари билан дийдаси қотган, меҳр-шафқат, оқибатда ўта хасис эканликларини, инсон кадр-қиммати, эзгуликни қанчалар тор тушуниши ва бу кимларнингдир қалб оғриғига сабаб бўлиш мумкинлигини англаб етсин.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
ўз мухбиримиз.